
Тадбиркорларнинг экспорт фаолияти қўллаб-қувватланади

Жорий йилнинг 21 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони қабул қилинди.

Фармон билан қуйидагилар белгиланди:

экспортолди ва экспорт билан боғлиқ савдо операцияларини молиялаштириш учун ажратиладиган молиявий ресурслар ҳисобидан берилган кредитларни ўз вақтида сўндириб келаётган тадбиркорларга кредитнинг сўндирилган қисмига мутаносиб равишда қўшимча кредитлар ажратишга рухсат этилади;

2024 йил 1 январга қадар Европа, Туркия, Миср ва Марокаш давлатларига газлама, трикотаж мато маҳсулотларини экспорт қилишда ташиш харажатларининг 70 фоизини компенсация қилишга субсидиялар тақдим этилади.

Олтиариқ туман

адлия бўлими бошлиғи А.Юлдашев

2022-12-24 17:45:25